


**Бухоро тумани ҳокимлиги
халқ таълими бўлими
1-умумий урта таълим мактаби**

Бошлангич синф уқитувчиси
Бадалиева Нуриянинг 3 "Б" синфида
она тили фанидан
"ИНТЕРФАОЛ" ва "КЛАСТЕР" усулида
утказилган дарс
НАМУНАСИ



Галаосиё - 2008 йил



Сана:

Фан: Она тили

Дарс мавзуси: От хакида тушунча. 198-200 машклар.

Дарсинг максади:

- а) Укувчиларга от суз туркуми хакида тушунча бериш, шахсларни билдирган отларга ким? нарсани билдирган отларга нима? сурогини билдиришга ургатиш.
- б) Гуллар, мевалар, донлар, укув куроллари, мехнат куроллари, идишлар, кийимлар, озик-овкатларга тугри сурок бериш ва уларни гурухлаб ёзиш малакаларини ривожлантириш.
- в) Уларга миллий, эстетик ва мехнатсеварлик рухида тарбиялаш.

Дарсинг жихози:

Мевалар, донлар, гуллар, чойнак, пиёла, стакан, дуппи, пальто, хонатлас куйлак, урок, кетмон, хаскаш расмлари, уйинчок машина, копток, картотекалар, кургазма плакат, шакллар.

Дарсинг тури: Янги билим бериш.

Дарсинг методи: “Интерфаол” ва “Кластер” усулида бахс-мунозара, мусобака тарзида.

Дарсинг бориши:

Она тилим.

Мухтор Худойкулов

Она тилим

Жон-у дилим

Сенинг билан

Бийрон тилим

Она тилим

Кони илм

Сенла олай

Чукур билим.

1. Интерфаол коидаси.

Интизомли булиш, узаро хурмат, эркин фикрлаш: фаол катнашиш, изланувчанлик, имконият.

Гурухларни дарс коидасига риоя килишлари кузатиб борилади.

2. Гурухларга булиш.

Хозир улкамизда кайси фасл?

- Киш.

- Киш фаслида табиатда кандай узгаришлар булади?

- Декабр ойидан киш фасли бошланади. Хаво совийди. Тез-тез кор, ёмгир ёгади, изгирин совук кезади. Дарахтлар ва она еримиз тинч уйкуда...

Гурухларга булишда табиат ходисаларидан фойдаланамиз.

- Уйинчок машина курсатилади.

- Бу нима? (Машина)

- Машинани ким хайдади? (Хайдовчи)

- Хайдовчи сузига сурок беринг. (Ким?)
- Ким? Нима? сурогига жавоб ьбулган сузлар нимани билдиради? (Шахс ва нарсани)
- Машинанинг ранги кандай? (Кизил)
- Кизил сузи шахс нарсанинг нимаси? (белгиси)
- Шахс нарсанинг белгисини билдирган сузлар кандай сурокларга жавоб булади? (Кандай? канака?)
- Машина нечта? (Битта)
- Битта сузи нарсанинг нимасини билдирыпти? (Сонини)
- Нарсанинг сонини билдирган сузлар кандай сурокларга жавоб булади? (Нечта? канча?)
- Машина нима килади? (Юради)
- Юради сузи шахс-наrsa нимасини билдирыпти? (Харакатини)
- Шахс нарсанинг харакатини билдирган сузлар кандай сурокка жавоб булади? (Нима килди? нима килади?)

Бугунги мавзу от хакида тушунча. Кани от хакида таъриф беринг?

От, сифат, сон, феъл-суз туркумлариدير. Нарса ва шахсни билдириб: Ким? ёки нима? сурогига жавоб булган сузлар от дейилади.


КУРГАЗМА

Жадвал билан таништирилади. Стол, чакмок, чупон, урдак, ранда, бинокор каби сузлар отдир.

1-топширик: «Кластер» усули

МУСТАКИЛ ИШ

«От» га 5 тадан сузлар ёзинг.



2-топширик: 198-машк. Укинг.

Сузларнинг хар бирига сурок беринг. Улар кайси суз туркумига оид эканини айтинг. Сузларни гурухларга ажратиб ёзинг.

3-гурухга булиб берилади.

1-гурух:

Гуллар: Бинафша, лола, чучмома, гулсапсар.

2-гурӯх:

Мевалар: Олхури, шафтоли, узум, олма, анжир, беҳи.

3-гурӯх:

Донлар: Бугдой, мош, ловия, жухори.

Машкда берилган ҳар бир сузга савол бериб, кайси суз туркумига кириши аникланади. (Болалар шу нарсаларни кузи билан куради ёки расми курсатилади.) Машкда берилган гуллар, мевалар ва донларни етиштиришда сарфланадиган меҳнат, шу нарсаларнинг фойдаси ва улардан нималар тайёрланиши сураб олинади.

ХУСНИХАТ.

(Доскага расмлар куйилади, шу асосда) Пиёз, қарам, бодринг, сабзи, қуён. (Хуснихат коидаси буйича чиройли ёзув. Ҳамма дафтарга ёзади. Чиройли ёзганлар рағбатлантирилади.

4-топширик. 199-машк.

Уқинг. Чизикчалар урнига ҳар бир қатордаги отларнинг умумий номини билдирадиган сузларни қуйиб ёзинг.

Қуйиш учун сузлар: укув қуроллари, меҳнат қуроллари, идишлар, қийимлар, озик-овқатлар. Берилган сузлар иштирокида гаплар тузинг. Чойнак, пиёла, стакан-идишлар. Чой, қанд, сариеғ-озик-овқатлар. Ручка, қалам, қизғич-укув қуроллари.

Дуппи, пальто, қўйлақ-қийимлар.

ФИЗМИНУТ.

(Қушиқдан парча қўйланади)

ДУППИ ТИҚДИМ.

Дуппи тикдим ипақлари тиллодан, тиллодан,

Ипақлари деманг зар-и тиллодан, тиллодан.

Жило берсам гуллариға (2 марта)

Қузинг олур ипақлари тиллодан, тиллодан.

Дил оташиға олма уни лола гули лола....

(Миллий қийимлар ҳақида айтилади)

Урок, ҳаскаш, кетмон-меҳнат қуроллари.

- Меҳнат ҳақида мақоллар суралади.

1. Меҳнатнинг қадрини бебаҳо бил.

2. Одам меҳнатда тобланади.

3. Меҳнатдан қурқма, миннутдан қурқ.

5-топширик. Тест.

(Янги ва утилган мавзулар асосида тест олинади)

1. От

а) Нима қилди? нима қилади? нима қилмоқчи?

б) Қандай? қанақа?

д) Ким? нима?

2. Суз ясовчи кушимчалар.

а) ни, нинг, га, ли, дан б) чи, ли, ла, кор, дош, сиз д) ни, нинг, га, ни, ла, дан

3. Суз узгартувчи кушимчалар.

а) ни, нинг, га, да, дан б) нинг, чи, га, ли, ла д) да, дан, сиз, ла, чи

6-топширик. Чизикчалар урнига гапнинг мазмунига мос сузлар куйиб ёзинг.

1. _____ совгалар келтирди.

2. _____ калин ёгди.

3. Осмонни кора _____ коплади.

200-машк. Укинг.

БУГДОЙЖОНИМ.

Бугдойдан булар,

Нухатли ширмон.

Норин, шилпилдок,

Манти ва лагмон.

Тинч булсин олам,

Бор булсин дехкон.

Тухтаб колмасин,

Хеч бир тегирмон.

Анвар Обиджон

Шеърдан ким? нима? сурогига жавоб булган сузларни топинг. Озик-овкат номларини билдирган отларни кучириб ёзинг. Узингиз ҳам шундай сузларга туртта мисол топинг.

ДАРСНИ ХУЛОСАЛАШ.

Вазифа: 200 – машк. (Укитувчи тушунча беради) гурухлар ишини якунлаш ва бахолаш. Рағбатлантириш. Голиб гурухлар ва фаол укувчилар балл тизимида бахоланади.